



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 4 январь жума
Сотувда эркин нархда
№ 3 (2831)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига чет мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа муассасаларнинг раҳбарларидан тинчлик, эзгулик ва равақ тилаб билдирилган қутловлар ҳамон келиб турибди.

Жумладан, қуйидагилар ўз қутловларини йўллади:

Германия Федератив Республикаси Президенти Йоханнес Рау, Польша Республикаси Президенти Александ Квасневски, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов, Умумхитой Халқ Вакиллари Йигилиши Доимий Қўмитасининг Раиси Ли Пен, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Чжу Жунцзи, Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Раёсатининг Раиси Ким Ен Нам, Татаристон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиев.

БУГУННИНГ ШИОРИ:

ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ, АҚЛ-ЗАКОВАТИМИЗ БИЛАН КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШ

ЖАҲОН
24 СОАТ
ИЧИДА

ИМКОНИЯТ УЎҚЛАРИ

Фарғона:

Яқундан йилни мен ҳеч иккиланмасдан бутун мамлакатимизда, шу жумладан, пиллачилик тармоғида иқтисодий мустақиллик сари муҳим қадам қўйилган йил, деб ҳисоблайман. Аҳолининг, пиллачилик ягона тизмига бирлашди. Илгари «қумуш тола» тайёрловчилари қайта ишловчилар, ҳатто маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳам турли вазирликлар, уюшмалар тасарруфига эди.

Ҳўш, ягона тизимда ишлаш қандай самара берди? Сўнги ўн йил ичида биринчи марта йил якунидан маълум туриб, пиллакорлар билан тўла ҳисоб-китоб қилинди. 1 килограмм ҳўл пиллага 580 сўмдан ҳақ тўланди. Қолаверса, виллоят бўйича ҳар қутти қурт уруғидан 55 килограмдан «қумуш тола» олинди.

Муаммоларга келсак, қишлоқларда тадбиркорлар томонидан очилган, яъни пиллачи қайта ишлайдиган кичик корхоналарга ҳомаш ажратиш масаласи ижобий ҳал қилинса, қишлоққа санаяти кириб келиши янада тезлашар, қўшимча иш ўринлари яратилар, тармоқда эса рақобат кучаярди.


Жумабой ҒАҒУРОВ,
виллоят «Пилла» акциядорлик
жамияти бошқарувининг раиси.

Сирдарё:

Мени республикамизда, хусусан, Сирдарё виллоятида фермерлик ҳаракатига муносабат тубдан яхшиланганлиги беҳад қувонтиради. Виллоят адиля бошқармаси ва хўжалик судари бугунги кунда бизнинг энг яқин мақсадимиз ва ҳамкоримизга айлангани ҳам эътиборга лойиқдир. Бунинг мен иштироки ҳоҳишда катта қадам, деб билман. Виллоят ҳудудида чорвачилик ва деҳқончилик билан шугулланадиган фермер хўжалиқларининг 80 фоиздан ортми давлатга маҳсулот сотиш бўйича шартномавий режалари ишчириб бажаргани, бу кўрсаткич ўтган йилга қараганда бирмунча юқорилиги ана шу катта қадамнинг самарасидир.

Ривожланишга нималар тўққинлик қилмоқда? Баъзан ўғит зарур бўлган пайтда фермернинг ҳисобидига пул ё таъмирлаш корхонасига ёки бошқа идора ичидега ўтказиб юборилмоқда. Банкдаги раҳбарлар, қолаверса, таъминот идорасида ўтирган мутасаддилар ичмон қадавр деҳқон билан кенгашиб, иш юритсалар, айни мўдодо бўларди.

Тўйчи ХОЛИҚОВ,
Шароф Рашидов туманидаги «Дўстлик»
ширкат хўжалиқининг фермери.



Мамлакатимиз нефть ва газ саноатида олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлаганига анча бўлди. Давлатимиз қисқа муддат ичида нефть маҳсулотларини четдан ташиб келтиришга барҳам бериб, уни экспорт қилувчига айланди. Соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар кўлами йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Яқинда энг сўнги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Шўртан газ-кимё мажмуининг фойдаланишга тоширилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Эришилётган муваффақият омилларидан бири, бу маҳаллий қаргара алоҳида эътибор берилаётганлигидир. Шу боис улар замонавий дастгоҳларни бемалол бошқаришга яраш. Кўкдўмақ компрессор станциясига ҳам кейинги йилларда қўллаб янги жиҳозлар ўрнатилди. Натижала жамоа ўз олдига турган масъулятни вазидаги алоҳида даражада бажариб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: станция участкаларидан бирининг умумий кўрилиши; механик Ойбек Йўлдошев.



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир

Мамлакатимизда оммавий ватанпарварлик ойлиги қизгин давом этапти. Таъбир доирасида республика «Мазнавият ва маърифат» маркази, Мулоффа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Мулоффага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотини ҳамкорликда ўқув муассасалари ва ҳарбий қисмларда «Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир», «Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат», «Мамлакатимиз кўрдали кучлари — тинч ва осойишта ҳаётимиз қалқони» мавзуларида ташкил этиётган илмий анжуманлар, учрашув ва давра суҳбатлари, айниқса, қизқарди ўтмоқда.

Янги асрнинг дастлабки йили билан хайрлашдик. Ҳар бир ўтган йил тарих саҳнасига қайтиб қиқмайди ва шу жиҳати билан ҳам у мўътабар, бетакор. Бироқ, Вақт силсиласи, дақиқалардан тортиб даврларга қаташ тўшунчидир. Ана шу узлуксизлиги билан ҳам у яқин саноатлар, бинабарин Вақтнинг биринчи жуви билан ҳам видолашиб бўлмайди. Вақтдан самарали фойдаланганлар камол топади. Вақтнинг исроф қилганлар таназзулга юз тутади. Шунинг учун ҳам ўтган Вақтнинг қадри ана шу Вақтнинг шакллантирган мўбайн билан эмас, балки ана шу Вақт мўбайнида қилинган ишлар билан ўлчанади. Самонийроқ фикрлайдиган бўлсак, биз учун бир йил шунчаки бир йил бўлганлиги учун эмас, балки ана шу бир йил давомида ер кўши атрофининг бир марта айланиб чиққанининг мезони сифатида ардоқлидир. Беадад шўқри, замин ана шу айланнида давом этмоқда. Демак, Вақт бизга берилган самовий бир имтиёз, алоҳиди бир тўхуфадир. Нонинг уюғи ҳам нон, дейдилар. Вақтнинг лаҳзаси ҳам Вақтдир. Шунга кўра, нон уюғини увол қилиш қандай кўрнамаслик бўлса, Вақтнинг бир дамини эсе кетказиш ҳам ана шундай кўрфроний неъматдир. Бўш Вақт деган ибора бор. Аслида, бўш Вақт бўлмайди. Муайян Вақт жараёнида бизгина бўш бўлишимиз мумкин. Меҳнатқаш инсон яқов қи-

шани қандай ёмон кўрса, тинимсиз фаоллиятлиги билан ривезат чексаётган Вақт ҳам бўш оламдан ана шундай парҳезад. Мухтарам шориниш Ғафур Ғулум вақтин ўлаш учун «Олтиндан тарозу, олмосдан тош өз», деган эдилар. Умуман, ўзларининг буюк заҳматқашлиги билан машур мутафаккирлар ҳаминша ҳазратини Вақтнинг диққат марказида бўлгани каби, ўз навбатида вақт ҳам уру бўйи уларнинг диққат марказида бўлган. Ҳар бир одамни олам билан

ларни амалга ошириб ҳаёт кечирмоғимиз керак. Меҳнатимизнинг самарасини бўлса ардоқлаб ишлатмоғимиз шарт. Дейлик, нонинг уюғини нобуа қилаётган олам бир донга бўлиқ бошқонинг, яна ҳам анқирон. Бир донгагина бўлганининг пишиб етилиши учун сарфланадиган бир неча фаслин увол қилган бўлади. Ана энди сиз Ватанимизнинг буюк хирмониди бўлган доналарини санаб чиқиб, ҳар битта донга тегишли фасларини жамлаб, муайян

худ, андин киши топмас нишон ҳаргиз», мисралари шакллантириш, буюк бобоқалонимиз ким билсин, қанчалик умр кечирган экан. Уйламанки, биз ҳам қай бир эзгуликка кўл урмайлик, у ўз сифати билан, бутун умр мўбайнида чеккан заҳматларимизнинг ҳосиласи бўлмоғи зарур. Бир йилда қилган меҳнатинг бир дақиқа ишганидан кўра, бир дақиқада қилган меҳнатинг бир йил яшаса, қандай яхши. Янги асрнинг дастлабки йили билан хайрлашдик. Айтишларича, Оурупо мамлакатларидан бирида янги йил арафасида эски-туски, ашқолашқолларнинг деразалардан улоқтириб ташлар эканлар. Янги йилга мўсаффо бир тарзда ўтишни хуш кўрар эканлар. Бизнинг нуҳада фикратимизда Нуҳ алайҳиссалом эътиборини думига ёпишиб ўтган ибليس каби, тараққийимиз оғидан тортишган баёнликлар қанчадан-қанча. Биз вақт билан ҳамнафас бўлмоқ учун лаҳзадан лаҳзага, соатдан соатга, кундан кунга, ойдан ойда, йилдан йилга, асрдан асрга фақат эзгуликларимизни олиб ўтмоғимиз керак. Юртбошимиз тақдирларимизга вақтнинг қадрига эътиборимиз керак, ишимиз сўзимиздан, сўзимиз фикримиздан келиб чиқмоғи хайрли бўлмоғи текис. XXI аср тилга қирастир. Сиз билан бизнинг қилдиган хайрли ишларимиз, нишоолоҳ, унинг қаломини бўлажак.

Мотнэзор АБДУЛҲАКИМ.

ВАҚТ ДИЙДОРИ

ПУБЛИЦИСТИКА

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Қорақўлпоғистон Республикаси, виллоятлар ва Тошкент шаҳар референдум ўтказувчи округ комиссияларининг раислари иштирок этидилар. Мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг раиси А.Аҳмадов бошқарди. Мажлисида референдум ўтказувчи округ комиссиялари раисларининг вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка комиссиялари ишчири ташкил этиш юзасидан тавсиялар» лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикаси референдумида қатнашадиган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари тўғрисида»ги низо лойиҳаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида референдум участкалари тузиш

ҳамда уларни тегишли округга бириктириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Референдумни уюшқоқлик билан ўтказишга участка комиссиялари муҳим ўрин тутадилар. Референдум ўтказувчи округ комиссиялари референдумга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча масалаларга, жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг бўлажак сиёсий кампанида фойдаланиш шарт-шароити яратишга алоҳида аҳамият бермоқдари лозим.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ
«Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга эид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри,
2001 йил 7 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида
«Халқ сўзи» — «Народное слово»
2002 йил

9-модда. Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси
Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлардаги асиллик даражаси қотишманинг миқдорини белгиловчи қанча бирликдаги қимматбаҳо металл миқдори мавжудлигини белгилайди ва бу араб рақамлари билан ифодланади.
Ўзбекистон Республикасида асиллик даражасининг метрик тизими кўлданлида:
1) заргарлик буюмлари учун:
олтин — 375 (уч юз етмиш бешинчи), 500 (беш юз юзичи), 583 (беш юз саксон учинчи), 585 (беш юз саксон бешинчи), 750 (етти юз эллик), 916 (тўққиз юз ўн олтинчи), 958 (тўққиз юз эллик саккизинчи), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи);
кўмуш — 800 (саккиз юз юзичи), 875 (саккиз юз етмиш бешинчи), 916 (тўққиз юз ўн олтинчи), 925 (тўққиз юз йигирма бешинчи), 960 (тўққиз юз олтишинчи), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи);
платина — 950 (тўққиз юз эллик), 999 (тўққиз юз тўқсон тўққизинчи);
паладий — 500 (беш юз юзичи);
2) олтин заррача ва кўмуш заррача учун — 910 (тўққиз юз юзичи), 920 (тўққиз юз йигирманчи), 930 (тўққиз юз ўттинчи), 940 (тўққиз юз қирқинчи), 950 (тўққиз юз эллик), 960 (тўққиз юз олтишинчи), 970 (тўққиз юз етмишинчи), 980 (тўққиз юз саксонинчи), 990 (тўққиз юз тўқсонинчи), 1000 (миңгинчи);
3) тиш ясашга мўжалланган маҳсулотлар учун:
олтин қўймалар — 900 (тўққиз юз юзичи) ва 916 (тўққиз юз ўн олтинчи).
Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар ҳақидаги асиллик даражасидан паст бўлиши мумкин эмас:
кўмуш — 375 (уч юз етмиш бешинчи);
кўмуш — 800 (саккиз юз юзичи);
платина — 950 (тўққиз юз эллик);
паладий — 500 (беш юз юзичи).
Ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган асиллик даражасидан паст даражага эга бўлган буюмлар қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар деб ҳисобланмайди ва қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар сифатида реализация қилиниши мумкин эмас.
10-модда. Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг тамғаланиши
Ўзбекистон Республикасида тайёрланган, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат асиллик даражаси

тамғаси билан тамғаланиши лозим.
Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар уларнинг билдирилган асиллик даражасини тасдиқлаб бериш мақсадидагина, назорат текширувидан ўтказилганга кейин тамғаланади.
Тамғалаш, бошқа ишларни амалга ошириш тартиби, шунингдек асиллик даражасини ва текширувларини тиниш усуллари Ўзбекистон Республикасининг Маданият ва таълим вазирлигининг таъминотидан тасдиқланган қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг тамғалаш қоидаларига мувофиқ белгиланади.
11-модда. Давлат асиллик даражаси тамғалари
Давлат асиллик даражаси тамғалари қимматбаҳо металлнинг ҳар бир тури учун белгиланган шаклдаги тамғалар бўлиб, Асиллик даражасини белгилаш палатасининг тасдиқ белгиси ҳамда буюм тайёрланган қимматбаҳо металлнинг асиллик даражасини кўрсатувчи рақамлардан иборат бўлади.
Давлат асиллик даражаси тамғаларининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
12-модда. Давлат асиллик даражаси тамғаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш
Асиллик даражасини белгилаш палатаси давлат асиллик даражаси тамғаларининг сақловини ва фойдаланишини ҳисобланади.
13-модда. Тайёрловчининг шахсий тамғаси
Асиллик даражасини белгилаш палатасига тамғалаш учун тақдим этилган, Ўзбекистон Республикасида тайёрланган, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларга тайёрловчининг шахсий тамғаси қўйилган бўлиши керак.
Тайёрловчининг шахсий тамғаси ҳарф ёки ҳарфлар бирикмасидан ёхуд уни ўзга тайёрловчиларнинг тамғасидан фарқловчи бошқа белгидан иборат бўлади. Тайёрловчининг шахсий тамғасида буюм тайёрланган йил кўрсатилган.
Тайёрловчининг шахсий тамғаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Асиллик даражасини белгилаш палатасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.
14-модда. Қимматбаҳо металллардан ясалган, тамғаланмайдиган буюмлар
Қуйидагилар давлат асиллик даражаси тамғаси билан тамғаланмайди:
— ушбу Қонун 9-моддасининг учинчи қисмида белгиланган паст асиллик даражасига эга бўлган олтин, кўмуш, платина ва паладийдан ясалган буюмлар;
— тарихий ёки археологик аҳамиятига эга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлигининг белгиланган тартибда тузилган эксперт хулосаси мавжуд

